

Иш рақами 1-1612-2501/43
Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья - Д.Олимов

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья - Б.Бабамирзаева

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2025 йил июнь ойининг 3 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,
раислик қилувчи судья: Д.Мадаминов,
ҳайъат судьялари: А.Инамов ва Б.Бабамирзаевадан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси С.Одиловнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурорлари Б.Маъруфов, Ж.Хамидов, судланган Д.Шарипов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Икрамов, судланганлар О.Тоштанов, М.Атаханова ва уларнинг ҳимоячиси – адвокат А.Исматов, судланган Н.Қодиров ва унинг ҳимоячиси – адвокат Д.Абдуллажановнинг иштирокида, Шарипов Даврон Шералиевич ва бошқаларга оид жиноят ишини Д.Шарипов, О.Тоштанов, М.Атаханова ва Н.Қодировга оид қисмини уларнинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2025 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра:

Шарипов Даврон Шералиевич, 1986 йил 7 сентябрда Тошкент вилояти, Тошкент туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси раҳбари бўлган, Чуст тумани, “Ютмос” МФЙ, Ташаббус кўчаси, 162-уйда яшаган, иш бўйича 2024 йил 3 майдан қамоқда сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари, 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

Тоштанов Отабек Исоқжон ўғли, 1994 йил 22 февралда Янгиқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2017 йил 24 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб,



7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман судининг 2019 йил 31 январдаги ажримиға кўра, ўталмай қолган 5 йил 2 ой 23 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2025 йил 30 январда жазони тўлиқ ўтаган, АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси валюта айирбошлаш кассири вазифасида ишлаган, Янгиқўрғон тумани, “Боғ” МФЙ, Мустақиллик кўчаси 48-уйда яшаган, иш бўйича 2024 йил 1 июлдан қамокда сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

Қодиров Нуриддин Носиржонович, 1980 йил 24 сентябрда Янгиқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, судланмаган, АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси бухгалтерия бўйича 1-тоифали мутахассиси вазифасида ишлаган, Янгиқўрғон тумани, “Дехқонобод” МФЙ, Мумтоз кўчаси, 10-уйда яшаган, иш бўйича 2024 йил 2 июлдан қамокда сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

Атаханова Муҳаббат Раҳмановна, 1988 йил 15 декабрда Янгиқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офисининг назоратчи ҳисобчиси вазифасида ишлаган, Янгиқўрғон тумани, “Истикбол” МФЙ, Зарбоғ кўчаси 37-уйда яшаганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан билан 3 йил озодликни чеклаш, 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖПКнинг 533-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2026 йил 2 мартга қадар кечиктирилсин.



Судланган Д.Шарипов томонидан тақдим қилинган ва депозитда сақланаётган 144.000.000 сўмни АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига ундириш;

судланганлар Д.Шарипов, О.Тоштанов, Н.Қодиров, М.Атахановалардан солидар тартибда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига 1 млрд. 366 млн. сўм моддий зарар ундириш;

судланган Д.Шариповдан АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига 399 млн. 600 минг сўм моддий зарар ундириш;
депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 399 млн. 600 минг сўмни жабрланган Р.Тажибоев фойдасига ундириш;

судланган Д.Шарипов ва Н.Қодировлардан солидар тартибда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига 31.788.912 сўм моддий зарарни ундириш;

судланган Д.Шарипов, Н.Қодиров, М.Атахановадан солидар тартибда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига 67.510.522 сўм моддий зарар ундириш;

судланган Д.Шарипов ва Д.Юлдашевдан солидар тартибда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига депозитда сақланаётган 178 млн. сўмдан 73.649.992 сўм моддий зарар ундириш;

судланган Д.Шарипов, Д.Юлдашев, Ф.Турғуновдан солидар тартибда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига депозитда сақланаётган 178 млн. сўмдан 26.289.441 сўм моддий зарар ундириш;

судланган Д.Шарипов ва Д.Юлдашевдан солидар тартибда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига депозитда сақланаётган 178 млн. сўмдан 15.652.905 сўм моддий зарар ундириш;

судланган Д.Шарипов ва С.Камоловадан солидар тартибда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига 43.990.535 сўм моддий зарар ундириш;

судланган Д.Шариповдан АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази фойдасига 1.584.247.630 сўм моддий зарар ундириш;

судланган Д.Юлдашев томонидан етказилган зарарларни қоплаш учун депозит ҳисоб рақамга қўйилган 178.000.000 сўмдан 62.407.662 сўмини судланган Д.Юлдашевга қайтариш;

тарофларларга келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай қўшимча моддий ва маънавий зарар бўйича келгусида фуқаролик ишлари тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириш;

“Малибу” русумли 50V143XA давлат рақамли автомошинани қонуний эгаси Н.Исмаиловга қайтариш;

ашёвий далил сифатида эътироф этилган ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни ва Н.Қодировдан шахсий тинтув давомида олинган ва Агробанк Янгикўрғон филиалида сақланаётган 118.000 сўм ва 50 АҚШ долларини (645659,5 сўм), Д.Шариповдан шахсий тинтув давомида олинган ва Агробанк Янгикўрғон филиалида сақланаётган 2.038.000 сўм



ва 100 АҚШ долларини (1.291.319 сўм) етказилган зарарига йўналтириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси бошлиғи Д.Шарипов, валюта айирбошлаш кассири О.Тоштанов, назоратчи ҳисобчиси (*ўша вақтида буйруқ билан кассир вазифаси юкланган*) М.Атаханова, бухгалтерия бўйича 1-тоифали мутахассиси Н.Қодировлар бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Адлия вазирлигидан 29.06.2018 йилда рўйхатдан ўтган, “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир” 3028-сонли Йўриқномаси 2-боб 5-бандида кўрсатилган қатъий талабларига зид равишда ўзига ишониб топширилган филиал кассасидаги мавжуд 1 млрд. 510 млн. сўмини гўёки АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари марказига мадад пули сифатида етказишга келишиб, ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган жуда кўп миқдордаги пулларни Д.Шарипов ўзлаштириш йўли билан, О.Тоштанов, М.Атаханова ва Н.Қодировлар растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда;

Д.Шарипов 2024 йил 12 февралда “Юксалиш” муддатли 24-сонли омонат шартномасини АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси мижози Р.Тажибоев билан расмийлаштириб, омонатни қайтариш муддати 2025 йил 13 мартга қадар белгиланган бўлсада, унга ишониб топширилган ўзганинг 399.600.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги пул маблағларини 2025 йил февраль ойида ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

бундан ташқари, АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси бошлиғи Д.Шарипов ўзига ишониб топширилган ва ихтиёридаги ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида 2022-2024 йиллар оралиғида тергов даврида аниқланаётган жиноий шериклари ёрдамида фуқароларнинг шахсига оид ҳужжатларини қўлга киритиб, уларнинг номидан кредит ажратилиши учун зарур бўлган қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, қалбаки маълумотлар киритилган кредит ҳужжатларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, банкнинг “IABS” дастурига киритиб ва шу орқали ажратилган кредит маблағларини офис назоратчи ҳисобчиси (кассир) М.Атаханова, бухгалтерия бўйича 1-тоифали мутахассиси Н.Қодиров, кредитлаш бўлими бош мутахассиси Д.Юлдашев, валюта айирбошлаш шахобчаси кассири Ф.Турғунова, кассир С.Камоловалар билан бир гуруҳ бўлиб, такроран чиқим касса ордеридаги имзоларни қалбакилаштиришиб, Д.Шарипов ўзлаштириш йўли билан (3.213.000.000 сўм), Д.Юлдашев (178.000.000 сўм), М.Атаханова (103.460.000 сўм), Н.Қодиров (148.460.000 сўм), Ф.Турғунова (45.000.000 сўм), С.Камолова (70.000.000 сўм) растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

шунингдек, Д.Шарипов 165 нафар фуқароларнинг хабардорлигисиз қалбаки маълумотлар асосида 3 млрд. 213 млн. сўмлик кредит маблағларини



уларнинг номига расмийлаштириб, ушбу кредит маблағларини 82 нафарига ажратилган кредитларни нақд кўринишида ва 83 нафарининг эса пластик карталарга ўтказиш орқали ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, мазкур 165 нафар фуқародан 82 нафарига ажратилган кредитларни нақд кўринишида олиш жараёнида сохта банк чиқим касса ордерларини Д.Юлдашев, М.Атаханова, Н.Қодиров, Ф.Турғунова, С.Камоловалар имзолаганлари натижасида банк мулкани растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда;

Д.Шарипов 82 нафар фуқаролар номидан уларнинг имзоларини қалбакилаштириб, хабардорлигисиз, фуқаро номидан бажарилиши лозим бўлган чиқим касса ордеридаги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви олдидаги имзосини ўзи амалга ошириб, уларнинг номига ажратилган кредит суммаларини “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси кассасидан нақдлаштириб олганликда;

бундан ташқари, Н.Қодиров жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Д.Шарипов билан бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг пул маблағларини Д.Шарипов ўзлаштириш ва Н.Қодиров растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда, хусусан:

-Тўхтаназаров Сойиб Хайитбоевичнинг номига унинг хабардорлигисиз, қалбаки ҳужжатлар асосида 2023 йил 14 июнда 25 млн. сўм миқдорда кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 15 июндаги 10-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги С.Тўхтаназаровнинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, 25 млн. сўм пулларини;

-Ахмедов Қахрамон Ўткиралиевичнинг номига унинг хабардорлигисиз, қалбаки ҳужжатлар асосида 2023 йил 19 майда 20 млн. сўм миқдорда кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 19 майдаги 10-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги Қ.Ахмедовнинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 20 млн. сўм пулларини;

шунингдек, Н.Қодиров Д.Шарипов, М.Атаханова билан бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг пулларини Д.Шарипов ўзлаштириш ва Н.Қодиров (148 млн. 460 минг сўм), М.Атаханова (103 млн. 460 минг сўм) растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда, хусусан:

-Мамадиёров Мухамаджон Муъдиновичнинг номига унинг хабардорлигисиз, 2022 йил 18 июлда 8 млн. 910 минг сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2022 йил 18 июлдаги 10-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги М.Мамадиёровнинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 8 млн. 910 минг сўм пулларини;



-Манзуоров Якубжон Кўчкоровичнинг номига унинг хабардорлигисиз, 2022 йил 18 июлда 10 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни банкнинг "IABS" дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2022 йил 18 июлдаги 10-сонли "Чиқим касса ордери"даги "Ордерда кўрсатилган суммани олдим" ёзуви ёнидаги Я.Манзуоровнинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 10 млн. сўм пулларини;

-Абдувалиева Маъмура Аҳатжоновнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2022 йил 18 июлда 24 млн. 750 минг сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни банкнинг "IABS" дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2022 йил 18 июлдаги 1-сонли "Чиқим касса ордери"даги "Ордерда кўрсатилган суммани олдим" ёзуви ёнидаги М.Абдувалиеванинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 24 млн. 750 минг сўм пулларини;

-Якубова Муазам Эранбоевнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2024 йил 19 мартда 40 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни банкнинг "IABS" дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2024 йил 19 мартдаги 11-сонли "Чиқим касса ордери"даги "Ордерда кўрсатилган суммани олдим" ёзуви ёнидаги М.Якубованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 40 млн. сўм пулларини;

-Азимжанова Гулхаё Хошимжон қизининг номига унинг хабардорлигисиз, 2022 йил 15 июлда 19 млн. 800 минг сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни банкнинг "IABS" дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2022 йил 15 июлдаги 60-сонли "Чиқим касса ордери"даги "Ордерда кўрсатилган суммани олдим" ёзуви ёнидаги Г.Азимжанованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 19 млн. 800 минг сўм жами бўлиб, 148 млн. 460 минг сўм пулларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

бундан ташқари, Д.Юлдашев, Д.Шарипов билан бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг пулларини Д.Шарипов ўзлаштириш ва Д.Юлдашев растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда, хусусан:

-Ворисова Рислиғой Бозорбоевнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 10 майда 20 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган қалбаки эканлигини билгани ҳолда ҳужжатларни банкнинг "IABS" дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 10 майдаги 5-сонли "Чиқим касса ордери"даги "Ордерда кўрсатилган суммани олдим" ёзуви ёнидаги Р.Ворисованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 20 млн. сўм пулларини;



-Тобарова Мухаббатхон Алимжоновнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 12 октябрда 30 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 12 октябрдаги 9-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги М.Тобарованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 30 млн. сўм пулларини;

-Абдуллаева Раъно Исоқжановнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 5 июлда 23 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 5 июлдаги 36-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги Р.Абдуллаеванинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 23 млн. сўм пулларини;

-Джўраева Махлиё Юлдошбоевнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 28 июлда 25 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 28 июлдаги 9-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги М.Юлдошбоеванинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 25 млн. сўм пулларини;

шунингдек, Д.Юлдашев, Д.Шарипов, Ф.Турғунова билан бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг пулларини Д.Шарипов ўзлаштириш ва Д.Юлдашев, Ф.Турғунова растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда, хусусан:

-Ёқубжонова Шахноза Обиджон қизининг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 26 июлда 10 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 26 июлдаги 9-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги Ш.Ёқубжонованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 10 млн. сўм пулларини;

-Мамажанова Дилором Уринбоевнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 21 июлда 15 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 21 июлдаги 5-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги Д.Мамажанованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 15 млн. сўм пулларини;



-Эргашева Матлуба Турғуновнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 5 апрелда 20 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 5 апрелдаги 27-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги М.Эргашеванинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 20 млн. сўм пулларини;

бундан ташқари, Д.Юлдашев ўзининг Д.Шарипов билан олдиндан тил бириктириб, Ибрагимов Фарход Юлдашалиевич номига унинг хабардорлигисиз 2022 йил 27 декабрда 15 млн. сўм ҳамда фуқаро Турсунов Муталиб Толибхон ўғлининг номига унинг хабардорлигисиз 2023 йил 17 январда 20 млн. сўм жами 35 млн. сўм миқдордаги кредит маблағлари ажратилишига эришиб, ушбу кредит маблағларини ўзига бириктирилган пластик картаси орқали нақдлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда (Д.Юлдашевда жами 178 млн. сўм);

бундан ташқари, С.Камолова Д.Шарипов билан бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг пулларини Д.Шарипов ўзлаштириш ва С.Камолова (70 млн. сўм) растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда, хусусан:

-Абдусаттарова Дилфуза Неъматжон қизининг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 22 августда 20 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 22 августдаги 14-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги Д.Абдусаттарованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 20 млн. сўм пулларини;

-Якубова Ўғилхон Ахмаджоновнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 9 августда 20 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 9 августда 3-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги Ў.Якубованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида сохталаштириб, ўзганинг 20 млн. сўм пулларини;

-Асқарова Нигора Исмоиловнанинг номига унинг хабардорлигисиз, 2023 йил 8 майда 30 млн. сўм миқдорда қалбаки ҳужжатлар асосида кредит ҳужжатлари тайёрлашиб, ушбу қалбаки маълумотлар киритилган ҳужжатларни қалбаки эканлигини билгани ҳолда банкнинг “IABS” дастурига киритиш орқали кредит маблағлари ажратилишига эришиб, 2023 йил 8 майдаги 25-сонли “Чиқим касса ордери”даги “Ордерда кўрсатилган суммани олдим” ёзуви ёнидаги Н.Асқарованинг имзосини жиноий шериги Д.Шарипов ёрдамида



сохталаштириб, ўзганинг 30 млн. сўм пулларини ўзлаштириш йўли билан талон-тароҳ қилганликда айбли деб топилганлар.

Судланган Д.Шарипов апелляция шикоятда, унга нисбатан оғир жазо тайинлангани ҳақида важлар келтириб, ишни қайта кўриб, адолатли ҳукм чиқаришни сўраган.

Судланган О.Тоштанов апелляция шикоятда, айбсизлиги ҳақида важлар келтириб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланган Н.Қодиров апелляция шикоятда, айбсизлиги ҳақида важлар келтириб, адолатли ҳукм чиқаришни сўраган.

Судланган М.Атаханова апелляция шикоятда, пулларни назоратсиз қолдирмагани, тўлиқ ҳисоб-китобини қилиб топшириб кетгани ҳақида важлар келтириб, ишни қайта кўриб адолатли ҳукм чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати судья Б.Бабамирзаеванинг иш бўйича маърузасини, судланган Д.Шарипов ва ҳимоячиси А.Икрамов, судланганлар О.Тоштанов, М.Атаханова ва уларнинг ҳимоячиси А.Исмаев, судланган Н.Қодиров, ҳимоячиси Д.Абдуллажановни апелляция шикоятларини қаноатлантириш, прокурор Ж.Ҳамидовнинг ҳукми ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоят важларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Д.Шарипов, О.Тоштанов, Н.Қодиров ва М.Атаханованинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айблари, шу иш бўйича судланган А.Юлдашев, Ф.Турғунова, С.Камалова, фуқаровий даъвогар вакили З.Саминов, жабрланган Р.Тажибаев, гувоҳлар Р.Кенжаев, О.Мўминова, З.Қурбонова, Ш.Сатимбоева, В.Мелихўжаев, Н.Ёқубжонова, Э.Раҳимова, Н.Умматова, К.Маматова, Н.Кўчқорова, Н.Махамудинова, Ж.Нормирзаев, Т.Қаландаров, М.Якубова, Б.Рузималиева, Д.Шерматова, Х.Абдурахматов, Д.Абдусаттарова ва Ю.Абдувалиевнинг суддаги кўрсатувлари, 2024 йил 5 майдаги АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офисининг кассасида мавжуд бўлган пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиниши, сақланиши ва касса ҳужжатларини тиклишини ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини тўсатдан, қисқа муддатли ва танлама асосида тафтиш қилиш далолатномаси, 2024 йил 26 июндаги АТБ “Универсалбанк” нинг 165 нафар фуқароларнинг номларига ажратилган кредит йиғма жилдлари филиалда ва офисда мавжуд эмаслиги кўрсатилган алоқа хати, 2024 йил 28 июндаги АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офисида ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси, 2024 йил 16 майдаги офис кассасида 2024 йил 1 май ҳолатига нисбатан бўлган 423 млн. 616 минг сўм бўлган нақд пул маблағлари АТБ “Агробанк” Янгиқўрғон филиалига сақлаш учун топширилганили кўрсатилган 05/04-сонли алоқа хати, 2024 йил 12 сентябрдаги Э-45108, Э-45102, Э-45104, Э-45106, Э-45107, Э-45109, Э-45110, Э-45111, Э-45112, Э-45113, Э-45116, Э-45117, Э-45118, Э-45119,



Э-45121, Э-45123, Э-45122, Э-45124-сонли хатшунослик экспертизаси хулосалари ҳамда ишдаги мавжуд судда текширилган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, Д.Шариповнинг АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси раҳбари бўлгани ҳолда, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ва Н.Қодиров, М.Атаханова, Д.Юлдашев, Ф.Турғунова ва С.Камалова билан олдиндан тил бириктириб, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштиришдан иборат ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан;

О.Тоштановни АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси валюта айрибошлаш шаҳобчаси кассири бўлгани ҳолда, ўзига ишониб топширилган жуда кўп миқдордаги ўзганинг мулкани растрата қилиш йўли билан ўзлаштиришдан иборат ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан;

Н.Қодировни АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси бухгалтерия бўйича 1-тоифали мутахассиси бўлгани ҳолда, ўзига ишониб топширилган жуда кўп миқдордаги ўзганинг мулкани, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ва Д.Шарипов, М.Атаханова, Д.Юлдашев, Ф.Турғунова ва С.Камалова билан олдиндан тил бириктириб, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштиришдан иборат ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан;

М.Атахановани АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офисининг назоратчи ҳисобчиси бўлгани ҳолда, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ва Д.Шарипов, Н.Қодиров, Д.Юлдашев, Ф.Турғунова ва С.Камалова билан олдиндан тил бириктириб, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштиришдан иборат ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилонга бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги



белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар тарафидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши,

3-бандида, жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди Д.Шариповга жазо тайинлашда ушбу Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, айбига тўлиқ иқрорлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг шахсини, мазкур жиноятни содир этишдаги ролини, жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ қопланмаганлигини инobatга олиб, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 59,61-моддалари тартибида узил-кесил ўташ учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб;

О.Тоштановга нисбатан жазо тайинлашда, уни муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг шахсини, мазкур жиноятни содир этишдаги ролини, жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ қопланмаганлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб;

Н.Қодировга нисбатан жазо тайинлашда, уни муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг шахсини, мазкур жиноятни содир этишдаги ролини, жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ қопланмаганлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ахлоқ тузатиш ишлари,



59, 61-моддалари тартибида узил-кесил ўташ учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб;

М.Атахановага жазо тайинлашда, уни муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг шахсини, мазкур жиноятни содир этишдаги ролини, жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ қопланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан озодликни чеклаш, 59, 61-моддалари тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, ЖПКнинг 533-моддаси тартибида 2023 йил 2 мартда туғилган фарзанди М.Иброхимов 3 ёшга тўлгунга қадар, яъни 2026 йил 2 мартга қадар кечиктириб, қонуний, асосли ва адолатли хулосага келган.

Судланган О.Тоштанов, Н.Қодиров, М.Атаханованинг айбсизликлари ҳақидаги важлари:

фуқаровий даъвогар вакили З.Саминовнинг суддаги, АТБ “Универсалбанк” Бувайда БХМ ҳуқуқшунос бўлиб ишлаши, банкда нақд пуллар ва бошқа қимматликлар билан касса операцияларини бажариш, банк кассасидаги нақд пул ва бошқа қимматликларни бут сақлаш ҳамда уларни ташиш, банк касса тармоғини ҳамда банк биноси ва бинодан ташқарида кассаларни куриш, жиҳозлаш ва кўриқлаш ишларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 29.06.2018 йилда рўйхатга олинган “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир” 3028-сонли йўриқнома асосида амалга оширилиши, 2024 йил 1 май куни АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси кассири М.Атаханова, валюта айирбошлаш кассири О.Тоштанов, бухгалтерия бўйича 1-тоифали мутахассиси Н.Қодиров ва оффис раҳбари Д.Шариповлар ўзларининг лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажармасдан, юқоридаги қайд этилган йўриқнома талабларини бузиши натижасида АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офисига 1 510 000 000 сўм зарар етказилишига сабабчи бўлишгани, шунингдек, 2024 йил 01 май кунида масъул шахслар Янгиқўрғон БХО бошлиғи Д.Шарипов, бухгалтер Н.Қодиров, кассир М.Атаханова ва О.Таштановлар томонидан Йўриқнома ва банкка оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани, ушбу ҳолатлар юзасидан хизмат текширув ўтказилгани, ўтказилган хизмат текширувида, Янгиқўрғон банк томонидан ажратилган кредит портфеллари банк биносида сақланаётгани аниқлангани, банкдаги мавжуд кредит портфеллари инвентаризациядан ўтказилганида, 165 нафар фуқарога ажратилган микроқарз кредитлари бўйича тайёрланган расмий кредит йиғма жилдлари йўқлиги аниқлангани, Янгиқўрғон банк хизматлари офисида



165 нафар фуқаролар номига ажратилган кредит йиғма жилдлари банк бошлиғи (андеррайтер) Д.Шарипов томонидан расмийлаштирилгани, андеррайтер кредит мажбуриятларини шартнома ва кредитни қайтариш жадвалига асосан бажарилиши, кредит портфелларини тўғри юритилиши ва бут сақланиши учун тўлиқ масъул ҳисобланиши, банкда ажратилган кредит портфеллари хизмат текшируви кунига қадар андеррайтер Д.Шарипов томонидан сақлаб келингани, андеррайтер Д.Шарипов кредит портфелларини тўғри юритилиши ва бут сақланиши учун моддий жавобгар шахс ҳисобланиши ҳақидаги;

жабрланган Р.Тажибоевнинг суддаги, 2024 йил 12 февралда АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари офиси Янгиқўрғон тумн бўлими бошлиғи Д.Шарипов билан гаплашиб, жами 399 млн. 600 минг сўм “Юксалиш” омонат туридан фойдаланиб, йиллик 23 фоиз миқдорда омонатга 13 ойга пул маблағлари топширгани ва бу ҳақда омонат дафтарчаси очиш йўли билан шартнома имзолагани, мазкур омонат тури бўйича топширилган пуллари эвазига ҳар ой тахминан 10 млн. сўм миқдорда фоиз пулларини олиши лозим бўлгани, дастлаб 40 кунлик омонат фоиз пулларини жорий йилнинг 25 март куни 10 млн. 072 сўм миқдорда пул маблағлари олиб кетгани, бироқ Д.Шарипов омонат пулларни ўз мақсади йўлида сарфлаб юборгани омонат пулларини фоиз пулларини олиш учун банкга борган вақтида билгани, суддан омонат пулларини ва ҳисобланиши лозим бўлган фоизларини қўшиб Д.Шариповдан ундириб бериш ҳақидаги;

гувоҳ Р.Кенжаевнинг суддаги, АТБ “Универсалбанк” Бувайда БХМ бош ҳисобчи бўлиб ишлаши, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 29 июнда 3028-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир” ЙЎРИҚНОМАНинг 47-бандида, банк кассасидан нақд пулларни чиқим қилиш: Жисмоний шахсларга - мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги чиқим касса ордери (бевосита банк фаолияти билан боғлиқ бўлган нақд пулдаги чиқим касса операцияларини, хусусан, нақд пулларни бир ҳисобварақдан иккинчи бир ҳисобвараққа ўтказиш учун чиқим қилишда, нақд пулларни инкассация хизмати ходимларига топшириш мақсадида чиқим қилишда ҳам чиқим касса ордеридан фойдаланилади) бўйича амалга оширилади. 54-бандида, бухгалтерия ходими чиқим касса ҳужжатларини чиқим кассаси кассирига, чиқим касса журнаliga имзо қўйдириб топшириши, банк кассасидан нақд пул олаётган шахс томонидан чиқим касса ҳужжатларини кассирга тақдим этилиши тақиқланиши, кассир чиқим ҳужжатини қабул қилиб олганидан сўнг, мижозни чиқим ҳужжатининг рақами бўйича чақириши, чиқим кассаси кассирига мижоз томонидан берилган назорат маркаси ёки йиртма талоннинг рақамини чиқим ҳужжатидаги рақам билан таққослаши ва назорат маркасини ёки йиртма талонни тегишли чиқим ҳужжатида елимлаб ёпиштириши, чиқим ҳужжатида бухгалтерия бўлимининг масъул ходимларининг имзолари борлигини ва ушбу имзоларни, мавжуд имзо намуналарига мос келишини текшириши, рақам ва сўз



билан ёзилган суммаларнинг ўзаро мослигини текшириши, ҳужжатда нақд пулларни олаётган мижознинг шахсий имзоси борлигини текшириши, нақд пулларни олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати борлигини ҳамда мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотларини чиқим касса ҳужжатида қайд этилган ёзувлар билан солиштириб кўриши шартлиги, кассир чиқим касса ҳужжатида кўрсатилган нақд пуллар суммасини мижозга чиқим қилиб бериш учун тайёрлайди, банк муассасасида тартиб бўйича амалга оширилгани, пулларни топширишда Миллий гвардия ходимлари ва кузатув хизмати орқали амалга оширилгани, ажратилган кредитлар бўйича банк ходимлари томонидан тўғри амалга оширилиши ҳақидаги;

гувоҳ О.Мўминованинг суддаги, АТБ “Универсалбанк” Бувайда БХМ бош кассир бўлиб ишлаши, ҳар доим банк йўриқномаси асосида пулларни олиб чиқиш топшириш жараёнларини амалга оширганлиги, бирон бир марта Д.Шарипов томонидан пулларни ўзи томонидан олиб келинганлигини билмагани ва кўрмагани, пулларни олиб келинишида бирон марта муаммо бўлмагани, мадад пулларини олиб келинишида миллий гвардия ходимлари ёки инкассатор орқали олиб келинганлиги ҳақидаги;

гувоҳлар З.Қурбонова, Ш.Сатимбоева, В.Мелихўжаев, Н.Ёкубжонова, Э.Рахимова, Н.Умматова, К.Маматова, Н.Қўчқорова, Н.Махамудинова, Ж.Нормирзаев, Т.Қаландаров, М.Якубова, Б.Рузималиева, Д.Шерматова, Х.Абдурахматов, Д.Абдусаттарова, Ю.Абдувалиев, С.Холматова, М.Тобарова, Р.Ворисова, К.Турсинова, М.Сайдазимова М.Тожибоева, М.Валижонов, А.Хайитов, М.Якубова, Х.Турсунхужаева, Ш.Хабибуллаев, Б.Вохидов, Д.Сайиббаева, Ш.Абдуллаева, О.Имомназарова, Т.Шоматов, З.Қурбонова, Э.Шониятов, З.Сафарова, Н.Закирова, Д.Мамажанова, М.Абдивалиева, А.Ахаджонов, Ж.Исақов, М.Хошимова Д.Сувонқуловалар номларига АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офиси томонидан кредит расмийлаштирилганидан хабари бўлмаганликларини, кредит бўйича мазкур банкка мурожаат қилмаганликларини, пластик карталаридан пул ечила бошлагандан сўнг хабар топганликлари ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, 2024 йил 5 майдаги АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офисининг кассасида мавжуд бўлган пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиниши, сақланиши ва касса ҳужжатларини тиклишини ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини тўсатдан, қисқа муддатли ва танлама асосида тафтиш қилиш далолатномаси, 2024 йил 26 июндаги АТБ “Универсалбанк” нинг 165 нафар фуқароларнинг номларига ажратилган кредит йиғма жилдлари филиалда ва офисда мавжуд эмаслиги кўрсатилган алоқа хати, 2024 йил 28 июндаги АТБ “Универсалбанк” Бувайда банк хизматлари маркази таркибидаги Янгиқўрғон банк хизматлари офисида ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси, 2024 йил 16 майдаги офис кассасида 2024 йил 1 май ҳолатига нисбатан бўлган 423 млн. 616 минг сўм бўлган нақд пул маблағлари АТБ “Агробанк” Янгиқўрғон филиалига сақлаш учун топширилгани



кўрсатилган 05/04-сонли алоқа хати, 2024 йил 12 сентябрдаги Э-45108, Э-45102, Э-45104, Э-45106, Э-45107, Э-45109, Э-45110, Э-45111, Э-45112, Э-45113, Э-45116, Э-45117, Э-45118, Э-45119, Э-45121, Э-45123, Э-45122, Э-45124-сонли хатшунослик экспертизаси хулосалари ва жиноят ишида йиғилган ва суд мажлисида текширилган объектив далиллар йиғиндиси билан рад қилинади.

Юқорида қайд этилган асосларга кўра апелляция инстанцияси суди шикоятлар важлари билан келишмаган ҳолда суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини эса қаноатлантирилмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹ - моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2025 йил 28 мартдаги Шарипов Даврон Шералиевич, Тоштанов Отабек Исоқжон ўғли, Қодиров Нуриддин Носиржонович, Юлдашев Дилмурод Абдуллажонович, Атаханова Муҳаббат Раҳмановна, Турғунова Фаридахон Қосимжон қизи ва Камолова Севара Комилжановнага нисбатан чиқарилган ҳукмининг Д.Шарипов, О.Тоштанов, Н.Қодиров ва М.Атахановага оид қисми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	имзо	Д.Мадаминов
Ҳайъат судьялари:	имзо	А.Инамов
	имзо	Б.Бабамирзаева
“Ажрим нусхаси аслига тўғри” Вилоят судининг судьяси:		Б.Бабамирзаева

